


## ХИШ. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.** Тошкент вилояти бўйича 2020 йил январь-июнь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2695,8 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,2 % га ошганини кўриш мумкин. Худудлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Олмалиқда 4186,0 минг сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳақи нисбатан 155,3 %), Бекобод шаҳрида 3341,4 минг сўмни (124,0 %), Нурафшон шаҳрида 3119,0 минг сўмни (115,7 %) ташкил этди. Аксинча, Оқкўрғон туманида 1984,9 минг сўмни (73,6 %), Паркент туманида 1801,3 минг сўмни (66,8 %), Бўка туманида 1721,0 минг сўмни (63,8 %), Бекобод туманида 1702,1 минг сўмни (63,1%), ташкил этиб пастлигини кўриш мумкин.

**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи<sup>1</sup>**  
 (2020 январь-июнь ойларида вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)




<sup>1</sup> қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган


**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2020 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)

	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>2300,7</b>	2695,8	117,2
<i>шаҳарлар:</i>			
Нурафшон	2491,2	3119,0	125,2
Олмалиқ	3883,6	4186,0	107,8
Ангрен	1863,2	2225,1	119,4
Бекобод	2949,9	3341,4	113,3
Чирчиқ	2154,8	2522,2	117,1
Оҳангарон	2121,7	2669,4	125,8
Янгийўл	1853,7	2053,6	110,8
<i>туманлар:</i>			
Оққўрғон	1536,3	1984,9	129,2
Оҳангарон	1919,2	2250,5	117,3
Бекобод	1483,2	1702,1	114,8
Бўстонлик	1836,1	2162,3	117,8
Бўка	1567,5	1721,0	109,8
Зангиота	2075,1	2645,6	127,5
Қибрай	1989,6	2536,7	127,5
Қуйичирчиқ	1733,9	2170,7	125,2
Паркент	1551,3	1801,3	116,1
Пискент	1622,6	2014,9	124,2
Ўртачирчиқ	1810,7	2174,9	120,1
Чиноз	1732,3	1892,9	109,3
Юқоричирчиқ	1813,1	2232,4	123,1
Янгийўл	1943,0	2425,9	124,9
Тошкент	1847,0	2088,8	113,1

**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2020 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)



**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи  
ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари % да  
(2020 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва  
кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари)**



**Иш ҳақи.** 2020 январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда (*2020 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм*):



**Таълимда** 1603 та муассасада 77075 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 28,2 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 911097,6 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 20,9 %ни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1970,1 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 111,7 %га ўсди;



**Саноатда** 105 та корхонада 104357 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши - 38,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 2192596,1 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 50,3 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 3501,8 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 60,6 %га пасайди;



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда** 115 та муассасада 39450 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 14,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 405729,1 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 9,5 % ни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1714,1 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 126,5 %га ўсди;



**Ташиш ва сақлашда** 27 та корхонада 2950 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,1 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 30052,4 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,7 % ни) ташкил этган. Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1697,8 минг.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 115,2 % га ўсди;



**Молиявий ва суғурта фаолиятида** 82 та муассасада 3170 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,2 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 83300,1 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 1,9 % ни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4379,6 млн.сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 142,8 % га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2020 йил январь-июнь ойларида Тошкент вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2695791,0 сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 117,2 % га ўсиши кузатилди.